

BIOGRAPHY OF SUFI OLLOYOR AND GRADUAL STUDY OF THE WORK "MAHZANU-L-MUTAIN"



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-25-38-49>

Jakhongir M. Abdupattakhov

Senior Lecturer

Department of Arabic Studies

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

jaxongir_abdupattaxov@tsuos.uz

jahon1124gir@gmail.com

Abstract: *Information about the life of Sufi Allahyar is scattered in various literature and commentaries. Due to the prohibition of studying his life and work and the condemnation of his work during the Soviet regime, under the label of a fanatical religious-mystical poet and as a praise of tyrannical kings and officials, our scholars did not have the opportunity to objectively assess the personality of our great compatriot until our country gained independence. However, due to the need to consistently cover history, some sources contain a brief biography of him. Until recently, information about the life of Sufi Allahyar has been scattered in various literature and commentaries. Since a copy of Sufi Allahyar's work "Makhzan al-mute'in" has not been found, it has not been possible to dwell on it in detail. It is clear from these publications and studies that Sufi Allahyar's work "Makhzan al-mute'in" has not been fully and specifically studied as a source of textual research.*

Therefore, a special typological and textual study of this work is necessary, first of all, to clarify the work done on the study of this work by Sufi Allahyar, and secondly, to determine the historical significance of this work as a vivid example of literature created in the genre of "Tabaqat" on theology and jurisprudence.

Keywords: *Sufi Allahyar, Kattakurgan, Katta Vahshivar, Makhzan al-mute'in, manuscript #4982, Sheikh Ahmed Faruq al-Sirhindy mujaddid alfi sany, Sheikh Muhammad Ma'sum, Sheikh Habibullah, Sheikh Navro'z.*

Introduction. It is noteworthy that a number of works have been carried out by our republican and foreign scholars on the research and publication of the works of Sufi Allayar "Maslak al-muttakin", "Sabat al-'ajizin", "Murad al-'ajizin". The research and conclusions of our scholars B. Valikhojaev, P. Kayumov, M. Hasaniy,

R. Zohid, B. Hasanov, S. Saifullo, I. Hakkul, N. Norkulov, M. Khanzharov, I. Suvonkulov, Sh. Sirojiddinov, A. Jumanazar, foreign scholars Tajiddin Yalchigulugli, R. Makhanova, G. Ilyasova, Berdi Sarica, Necdet Tosun, Musa Turkistoni, Said Turkistoni on these works, as well as their publications in Uzbek, Turkish, Persian, Russian and Tatar languages, are significant.

These works are aimed at introducing Sufi Allayor's literary heritage, analysis, and poetic talent, and the main sources for these works are the works "Sabot ul-ajizin", "Murod ul-ajizin", and "Maslak ul-muttakin".

Literature analysis and methodology. Information on the subject under study can be found in a number of commentaries, scientific studies and treatises published in our country and abroad. In this work, the data on the restoration of the codicological description and bibliography of the manuscript "Makhzanu-l-mute'in" by Sufi Allahyar, using the works of major Tatar, Turkish, Uzbek and Russian scholars, as well as other sources, were analyzed. (I. Suvonkulov, 1993, p. 268; Jumanazar, 2015, p. 253; Sirojiddinov, 2001, p. 77; Abdupattaxov, 2005, pp. 119-122). Based on the specific characteristics of the research materials, they were studied on the basis of comparative-historical analysis.

СЎФИ ОЛЛОЁРНИНГ БИОГРАФИЯСИ ВА “МАХЗАНУ-Л-МУТЕЪИН” АСАРИНИНГ ТАДРИЖИЙ ТАДҚИҚИ

Жахонгир М. Абдупаттахов

Катта ўқитувчи

Арабшунослик олий мактаби

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

jaxongir_abdupattaxov@tsuos.uz

jahon1124gir@gmail.com

Аннотация: Сўфи Оллоёр ҳаёти ҳақидаги маълумотлар турли адабиёт ва тазкираларда тарқоқ ҳолда баён этилган. Шўролар тузуми даврида мутаассиб диний-мистик шоир тамғаси остида ва зolim подшоҳу амалдорлар маддоҳи сифатида унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш манъ этилгани ҳамда ижоди қоралангани сабабли улуг ватандошимиз шахсиятига ҳолис баҳо бериш юртимиз мустақилликка эришгунига қадар олимларимизга насиб қилмади. Шундай бўлсада, тарихни изчил ёритиш заруратидан айрим манбаларда унинг мухтасар таржимаи ҳоли учрайди. Яқингача, Сўфи Оллоёр ҳаёти ҳақидаги маълумотлар турли адабиёт ва тазкираларда

тарқоқ ҳолда баён этилганига гувоҳ бўлиб келинди. Сўфи Оллоёрнинг «Махзану-л-мутеъин» асари нусхаси топилмаётгани учун батафсил тўхталиш иложи бўлмаган. Мазкур нашр ва тадқиқотлардан кўриниб турибдики, Сўфи Оллоёрнинг «Махзану-л-мутеъин» асари матний тадқиқот манбаи сифатида тўлиқ ва махсус ўрганилмаган.

Шу боис ушбу асарини махсус типологик ва текстологик жиҳатдан тадқиқ этиш, энг аввало, Сўфи Оллоёрнинг ушбу асари тадқиқи борасида қилинган ишларга ойдинлик киритиш учун зарур бўлса, иккинчидан, бу асарнинг калом ва фикҳга оид табақот жанрида яратилган адабиётнинг ёрқин намунаси сифатидаги тарихий аҳамиятини белгилаш учун муҳимдир.

Калит сўзлар: Сўфи Оллоёр, Каттақўрғон, Катта Ваҳшивор, Махзану-л-мутеъин, №4982 нусха, Шайх Аҳмад Фаруқ ас-Сирҳиндий мужаддид алфи соний, Шайх Муҳаммад Маъсум, Шайх Ҳабибуллоҳ, Шайх Наврўз.

Кириш. Сўфи Оллоёрнинг “Маслак ул-муттақин”, “Сабот ул-ожизин”, “Мурод ул-ожизин” асарлари тадқиқи ва наشري бўйича республикамиз ва хорижлик олимлар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилгани диққатга сазовор¹. Олимларимиздан Б.Валихўжаев, П.Қаюмов, М.Ҳасаний, Р.Зоҳид,

¹ Қаранг: Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – С., 1925; Қаюмов П. Тазкираи қаюмий. 3 жилдлик. – Т., 1968; Сўфи Оллоёр. Сабот ал-‘ожизин. Нашрга тайёрловчи Ҳасаний М. – Т., “Меҳнат”, 1991; Сўфи Оллоёр. Сабот ал-‘ожизин. Нашрга тайёрловчи Зоҳид Р. – Т., “Чўлпон”, 1991; Сувонкулов И. Сўфи Аллоҳёр. – Т., “Фан”, 1991; Abid Nazar Mahdum, *Sūfi Allahyār and his Sebātū'l-ācizīn*, (Unpublished Master Thesis), Istanbul University Faculty of Letters, Department of Old Turkish Literature in Turkish Language and Literature Section, Istanbul 1993. – Б. 239-253.; Туркистоний С. Сўфи Оллоёр // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Тўплам. – Т., 1994; Berdi Sarica. Allahyar Sufi'nin Fevzū'n-Necat'i (İnceleme metin sözlük), 1996; Тождидин Ёлчикул ўғли. Рисолаи Азиза – Саботул-ожизин шарҳи. Нашрга тайёрловчи Ҳасаний Б. – Т., “Абдулла Қодирий номидаги халқ меъроси нашриёти”, 2000; Сувонкулов И. Ма’навият илдишлари. – С., 2000; Сувонкулов И. Улуғ олим ва мутасаввиф шоир // Мақолалар тўплами. – С., 2000. – Б. 61-62.; Гуломов и др., Краткий Каталог Суфийских Произведений XVIII-XX вв из Собрания Института Востоковедения Академии Наук Республики Узбекистан им. Аль-Бируни: [Список суфийских рукописей (XVIII-XX вв.) в фондах Института востоковедения Академии наук Республики Узбекистан (Бируни)], Берлин, 2000. – С. 169-171.; Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1-қисм. Жамият ва бурч. Рисола. – Т., “Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти”, 2001; М.Кенжабек, Термиз тазкираси. – Тошкент, 2001. – Б. 158-182.; Сўфи Аллоҳёр // Халқаро илмий анжуман материаллари. Техрон – Тошкент. “Ал-Ҳудо халқаро нашриёти – Мовароуннаҳр нашриёти”, 2005; Абдуфаттохов Ж. Сўфи Оллоёрнинг «Махзан ул-мутеъин» асари ҳақида янги маълумотлар. // Халқаро илмий анжуман материаллари. Техрон – Тошкент. “Ал-Ҳудо халқаро нашриёти – Мовароуннаҳр нашриёти”, 2005. – Б. 119-122.; Маханова Р. Творчество Суфи Аллаяра и его традиции в татарской литературе. Диссертация на соискание учёной степени кандидата филологических наук. – Казань, 2008. – 190 с.; Илясова Г. Лигвотекстологические особенности произведений “Сабат ал-гаджизин” Аллаяра Суфи и “Рисала-и Газиза” Т. Ялсыгулова. Диссертация на соискание учёной степени кандидата филологических наук. – Уфа, 2009. – 210 с.; Necdet Tosun. SÜFÎ ALLAHYÂR صوفى الله يار (ö. 1133/1721) Orta Asyalı Nakşibendî-Müceddidî şeyhi. Türkistan Dervişlerinden Yâdigâr: Orta Asya Türkçesiyle Yazılmış Tasavvufî Eserler, İstanbul 2011. – S. 67-71.; Жуманазар А. Вахшувор. – Т., “Akademnashr”, 2015. – Б. 253; Зоҳидов Р. “Саботул ожизин” асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари. Филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2018. – Б. 240.

Б.Ҳасанов, С.Сайфуллоҳ, И.Ҳаққул, Н.Норқулов, М.Ханжаров, И.Сувонқулов, Ш.Сирожиддинов, А.Жуманазар, хорижлик олимлардан Тождиддин Ёлчиғул ўғли, Р.Маханова, Г.Ильясова, Berdi Sarica, Necdet Tosun, Мусо Туркистоний, Саид Туркистонийларнинг мазкур асарлар юзасидан олиб борган тадқиқот ва билдирган хулосалари ҳамда мазкур асарларнинг ўзбек, туркий, форс, рус ва татар тилларидаги нашрлари аҳамиятли.

Ушбу ишлар Сўфи Оллоёрнинг адабий мероси, таҳлили ва шоирлик иқтидори билан таништиришга йўналтирилган ва бу ишларда асосан “Сабот ул-ожизин”, “Мурод ул-ожизин” “Маслак ул-муттақин” асарлари бош манба бўлиб хизмат қилган.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Ўрганилаётган мавзу бўйича маълумотларни юртимиз ва хорижда нашр қилинган бир қатор тазкиралар, илмий тадқиқотлар ва рисоаларда учратиш мумкин. Мазкур ишда йирик татар, турк, ўзбек ва рус олимларининг, ва бошқа манбалардан фойдаланган ҳолда Сўфи Оллоёрнинг “Махзану-лмутеъин” қўлёзмаси кодигологик тавсифи ва библиографиясини тиклашга бағишланган маълумотлар таҳлилга тортилди. (И.Сувонқулов, 1993, р. 268; Жуманазар, 2015, р. 253; Сирожиддинов, 2001, р. 77; Abdupattahov, 2005, pp. 119-122). Тадқиқот материалларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар қиёсий-тарихий таҳлил асосида ўрганилди.

Сўфи Оллоёрнинг адабий анъаналарини илмий асосда ўрганишга илк кадам ташлаган олимлар қаторида профессор И.Сувонқулов тарафидан мутасаввиф шоирнинг ҳаёти ва ижоди, лирикаси ва издошлари, фалсафий-ахлоқий ва адабий-дидактик асарлари илмий таҳлилга тортилган².

Оллоёр илоҳиётини чуқур ва илмий асосда ўрганиш борасида дастлабки тадқиқотни академик Ш.Сирожиддинов амалга оширган³.

Манбашунос олим А.Жуманазар Сўфи Оллоёр ҳаёти, оиласи, ижод йўли, асарлари, пиру муридлари ва сулук шажараси ҳақида атрофлича бирламчи манбалар асосида тўхталиб ўтган⁴.

Оллоёрнинг ижоди туркистонлик ватандош олимларнинг ҳам диққат марказидан тушмаган⁵.

² Сувонқулов И. “Сўфи Оллоёр ва унинг адабий анъаналари”. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1997. – Б. 269.
Ўша асар. – Б. 156-187.

³ Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1-қисм. Жамият ва бурч. Рисола. – Т., “Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти”, 2001. – Б. 78.

⁴ Жуманазар А. Вахшувор. – Т., “Akademnashr”, 2015. – Б. 253.

⁵ Туркистоний М.М. (Мусо Афанди). 17. “صوفي الله بار منظومه ثبات العاجزين” (Сўфи Аллоёр манзумаи Сабот ул-ожизин). Саудия Арабистони, 1953. – Б. 46; Туркистоний С. Сўфи Оллоёр // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Тўплам. – Т., 1994.

Хорижлик тилшунос олимлар ҳам бу соҳада бир қанча тадқиқотлар амалга оширган⁶.

Сўфи Оллоёр унга биринчи пири устозлик қилган шахс ҳақида “Маслак ул-муттақин” асарида пири комил Наврўз деб атайди⁷. Байтда номлари келган Ҳабибуллоҳ ва Наврўз исмли шайхлар Оллоёрга замондош бўлгани таъкирлардан маълум⁸.

Хорижлик тадқиқотчилардан немис олими Anke von Kügelgen хоним шайх Ҳабибуллоҳ XVII асрда Бухоро хонлигида нақшбандия-муҷаддидия тариқатининг ривожига катта ҳисса қўшгани, аммо шахсиятига аниқлик киритиш учун етарлича манбалар етишмаслигини афсус ила гапириб ўтган⁹.

“Бурҳон аз-закирин” қўлёзмасида¹⁰ шайх Ҳабибуллоҳ силсиласи Баҳоуддин Нақшбанд балогардонга бориб туташа қайд этилган. Туркиялик тадқиқотчилар Носируддин Бухорийнинг “Тухфат уз-зоирин”¹¹ таъкирасига таяниб, Сўфи Оллоёрнинг халфалари Ғойибназар, Сўфи Исом Керухий бўлишганини қайд этишган¹².

*“Нузҳат ал-ховатир ва баҳжат ул-масамий ва-н-навазир. Ал-Иълам би-ман фи тарих ал-Ҳинд мин-ал-Аълам”*¹³ асарида Шайх Аҳмад ас-Сирҳиндий муҷаддид алфи соний ўғли Шайх Муҳаммад Маъсум ҳижрий 1006 ёки 1009 йил Шаввол ойининг 11 куни (1599 ёки 1601 йил 1 май

⁶ Қаранг: Шамсетдинова, Л.Ш. «Рисалия Газиза» Таджетдина Ялчыгула: проблематика и поэтика: Автореф. дис.канд. филол. наук / Л.Ш. Шамсетдинова. - Казань, 2002. – С. 24.; Маханова Р. Творчество Суфи Аллаяра и его традиции в татарской литературе: дис.канд.фил.наук. – Казань, 2008. – С. 190.; Илясова Г. Лигвотекстологические особенности произведений “Сабат ал-гаджизин” Аллаяра Суфи и “Рисала-и Газиза” Т. Ялчыгулова: дис.канд.фил.наук. – Уфа, 2009. – С. 210; Abid Nazar Mahdum, Sûfi Allahyâr and his Sebâtü'l-âcizîn, (Unpublished Master Thesis), Istanbul University Faculty of Letters, Department of Old Turkish Literature in Turkish Language and Literature Section, Istanbul 1993, - S. 239-253.; Berdi Sarica. Allahyar Sufi'nin Fevzû'n-Necat'i (İnceleme metin sözlük), 1996; Necdet Tosun. SÛFÎ ALLAHYÂR صوفى الله يار (ö. 1133/1721) Orta Asyalı Nakşibendî-Müceddidî şeyhi. Türkistan Dervişlerinden Yâdigâr: Orta Asya Türkçesiyle Yazılmış Tasavvufî Eserler, İstanbul 2011. - S. 67-71.

⁷ Сўфи Оллоёр. Маслак ул-муттақин. Қўлёзма. 18-аср, 18a-vaq; Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1-қисм. Жамият ва бурҷ. Рисола. Т., “Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти”, 200. – Б. 8.

⁸ Мақсуд ибн Мир Носириддин Ҳусайний Бухорий. Равойиҳ ал-қудс. Қўлёзма. Каттаев К. шахсий кутубхонасида сақланади. Варақ, 108b-vaq.; Носириддин Бухорий. Тухфат уз-заирин. Бухоро. 1910, 63b-vaq.; Сайид Муҳаммад бин Охунд Қози Камол. Тухфат ул-аҳбоб. ЎзР ФА ШИ №4400, 16b-17b-vaq. (бундан кейин Тухфат ул-аҳбоб); Абдулазиз Мажзуб Намангоний. Таъкираи Мажзуби Намангони (Таъкират ул-авлия), ЎзРФАШИ №2662, 49b-50b-vaq; Абдулазиз Амир Кулолий. Таъкираи машоҳихи мутааххирини Бухоро. Қўлёзма. ЎзФАШИ №79, 72b-vaq; Бурҳон аз-Закирин. Қўлёзма. х.1210 й. қўчирилган. ЎЗР ФА ШИ №5481, 20v-b-vaq.

⁹ Kügelgen, Anke von. Die Entfaltung der Naqşbandīya im mittleren Transoxanien vom 18. bis zum Beginn des 19. Jahrhunderts: ein Stück Detektivarbeit. Берлин., Klaus Schwarz Verlag нашриёти. – 1998. – P. 115.

¹⁰ Бурҳон аз-Закирин. Қўлёзма. х.1210 й. қўчирилган. ЎЗР ФА ШИ №5481, 20v-b-vaq.

¹¹ Носируддин Бухорийн. “Тухфат уз-заирин”. Бухоро. 1910, 63b, 93b-vaq.

¹² Necdet Tosun. SÛFÎ ALLAHYÂR صوفى الله يار (ö. 1133/1721) Orta Asyalı Nakşibendî-Müceddidî şeyhi.

Бу ҳақда қаранг: <https://islamansiklopedisi.org.tr/sufi-allahyar>

¹³ Қаранг: <https://shamela.ws/book/1584/584> <https://tarajm.com/people/91396>

ойдида) туғилгани ҳақида маълумот берилган¹⁴. Шайх Абул-Қосим ал-Ақбар Ободий шайх Мурод ибн Абдуллоҳ ал-Қозонийнинг “Зайл рашаҳот” асарига таяниб шайх хожа Ҳабибуллоҳ Бухорий шайх Муҳаммад Маъсумнинг энг яқин издошларидан бири бўлгани қайд этилгани маълум бўлди¹⁵.

Шайх Ҳабибуллоҳ Бухорий Бухоро хони Абдулазизхон амри билан ташкил этилган мажлисда қатнашгани, мажлис сўнггида хон амри ила иқтидорли шайхга Волидаи Хон мадрасаси ҳамда унга туташ хонақоҳ инъом қилингани, қўшимчасига иккита қишлоқ суюрғол қилиб берилгани “Тухфат ул-Аҳбоб”да қайд қилингани маълум бўлди¹⁶.

Сўнгги йилларда «Махзану-л-мутеъин» қўлёзмаси бўйича илк палеографик тадқиқотни шарқшунос магистрант Абдупаттахов Жаҳонгир (2005 йил) амалга оширилган бўлса, қўлёзманинг таркибий тузилиши ҳақида ф.ф.д., DSc Зоҳидов Рашид (2018 йил) қисман тўхталиб ўтган¹⁷.

ЎзР ФАШИ қўлёзмалар фондида 4982-тартиб рақами остида “Махзану-л-мутеъин”нинг қўлёзмаси сақланмоқда¹⁸.

Қўлёзманинг ўлчами 23*42 см бўлиб, муқова оч жигар ранг чарм билан қопланган, мағзи вақт ўтиши билан қовжираган, бироқ муқова юзидаги безаклар унинг номаълум саҳҳоф тарафидан таъмирланганидан дарак беради. Матн новвот рангли юпқа қўқон қоғозига қора ва қизил сиёҳда настаълиқ

¹⁴ Шайх Абу-л-Қосим ал-Ақбар Ободий “Нузхат ал-ховатир ва баҳжат ул-масамиъ ва-н-навазир. Ал-Иълам би-ман фи тарих ал-Ҳинд мин-ал-Аълам”. 5.ж.– Б. 650.

Қўшимча маълумот учун қаранг: <https://shamela.ws/book/1584/584#p17>

¹⁵ Шайх Абу-л-Қосим ал-Ақбар Ободий “Нузхат ал-ховатир ва баҳжат ул-масамиъ ва-н-навазир. Ал-Иълам би-ман фи тарих ал-Ҳинд мин-ал-Аълам”. 5.ж.– Б. 650.; Шайх Мурод ибн Абдуллоҳ ал-Қозонийнинг “Зайл рашаҳот” қўлёзмаси ҳозирги кунда Туркиянинг Сулеймания кутубхонасида №1411 рақами остида сақланади; Ализаде А. А. Сирхинди Аҳмад аль-Фаруқи // Исламский энциклопедический словарь. – М. : Ансар, 2007. – ISBN 978-5-98443-025-8.; Qureshi J.H. «The Muslim community of the Indo-Pakistan subcontinent (610-1947)», Hague, 1962.; Антонова К.А. «Очерки общественных отношений и политического строя Могольской Индии времён Акбара (1556-1605)», – Москва, 1952.; Муҳаммад Мусо Туркистоний. Сўфи Аллоёр манзумаи Сабот ул-оҷизин. Саудия Арабистони, 1953. – Б. 8-9.

¹⁶ Тухфат ул-аҳбоб. 61a-varaq; А.Жуманазар. Вахшувор. 2015. – Б. 130.

¹⁷ Абдупаттахов Ж. Сўфи Оллоёрнинг «Махзан ул-мутеъин» асари ҳақида янги маълумотлар, 2005. – Б. 119-122.; Абдупаттахов Ж. Сўфи Оллоёрнинг «Махзан ул-мутеъин» асари – фикҳ бўйича нодир манба. // Имом Ал-Бухорий сабоқлари. Маънавий-маърифий, илмий-бадний журнал. – Т., 2-3/2005. – Б. 102-105. (ЎзР Имом Бухорий республика илмий-маърифий марказининг 2005 йил 10 ноябр куни 02/5 рақами билан берилган Маълумотнома. “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журналида нашр этилган “Сўфи Оллоёрнинг «Махзан ул-мутеъин» асари – фикҳ бўйича нодир манба” (2005 йил, № 2-3 сони, 102-105-бетлар) номли мақоланинг муаллифи Абдупаттахов Жаҳонгир деб ўқилсин. Масъул котиб Н.Жабборов); Абдупаттахов Ж. Сўфи Оллоёр – ҳанафий фақиҳи («Махзан ул-мутеъин» асари мисолида). Магистрлик диссертацияси. – Тошкент, 2005. – Б. 80; Зоҳидов Р. “Саботул оҷизин” асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари. Филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 2018. – Б. 38-43.

¹⁸ “Краткий каталог суфийских произведений XVIII-XIX вв. из собрания Института Востоковедения Академии Наук Республики Узбекистан им. ал-Бируни”. Каталог. – Берлин, 2000; Абдупаттахов Ж. Сўфи Оллоёрнинг «Махзан ул-мутеъин» асари – фикҳ бўйича нодир манба. // Имом Ал-Бухорий сабоқлари. Маънавий-маърифий, илмий-бадний журнал. – Т., 2-3/2005. – Б. 105.

хатида ёзилган, пойгир билан белгиланган 546 та varaқдан иборат. Асарнинг матни – тўлиқ. Сиёҳ ўз жилосини йўқотмаган. Лавҳа йўқ, устунлар сони битта, саҳифадаги қаторлар сони 27 та, матн ромкага олинмаган. Ҳошияда муаллифнинг араб ва форс тилидаги баъзи таҳрир ва қайдлари мавжуд. Фихрист сўнггида ҳиж. 1225 йил (мил.1810/11) санаси қайд этилган. Колофон билан фихристнинг хатсифати (почерк) ўхшашлигидан битта шахс тарафидан тузилганини тахмин қилиш мумкин.

Колофон

تمت الكتاب تمت من المقابلة بخط المصنف غفر عنه

“Китоб мусаннифнинг (даст)хати билан охирига етди – унинг гуноҳлари мағфират қилинсин, (бошқа манбалар билан) солиштируви охирига етди” (Махзанул-мутеъин. 4982. 546b,15)

Асарнинг ёзилган йили борасида библиографик картотекада кўрсатилган сана 1135-1138/1722-1725 юзасидан тадқиқотимиз давом этмоқда¹⁹.

Фихристнинг биринчи varaғи юқори чап қисми ва varaқнинг ўртасида форсий тилда битилган иккита тарихий қайд ва сана учрайди. Бирида “Бу китоб Махзану-л-мутеъин, қўлёзма, домла Муҳаммад Амин Мунжим томонидан шаш ашраф маъсум маблағи эвазига Махдум Тарқдан сотиб олинди, сана 1242 йилда, Амир Насруллоҳ Сайид тахтга ўтириш анжуманида ва (бу) тўғридир” деган қайд учрайди (Махзану-л-мутеъин. 4982. 1a,6-10)

Асосий матн қўлёзмага бириктирилган қоғози қалин учта varaққа туширилган фехристни ҳисобга олмаганда қўлёзманинг 1b varaғида “басмала” лафзи ва кетидан “таҳмид” жумласи билан бошланган.

Асар номидаги хазинагоҳни англатувчи “مخزن - махзан” сўзи асар таркибига, унинг қурумига ишора қилади. Яъни, асар “Муқаддима”, икки китоб (бўлим) – “китаб ал-муътақадат” (27 фасл), “амалий масалалар” (98 фасл) ҳамда “Хотима”дан ташкил топган. Демак, “махзан” сўзидан мурод шулар. “Мутеъин” – “итоаткорлар”, “итоат этувчилар” каби маъноларни англатади. Икки талқинни бирлаштирсак, “Итоаткорлар хазинагоҳи” кабилидаги бирикма ҳосил бўлади.

Кириш қисмида китобни тасниф қилишдан кўзланган бош мақсад – бу “...аҳли сунна вал-жамоа ақоиди, сўнгра ҳанафий китобларидан [истефода этиб] таҳорат, намоз, рўза, закот ва бошқа масалаларни Аллоҳ истаганича бир

¹⁹ Абдупаттахов Ж. Сўфи Оллоёрнинг «Махзан ул-мутеъин» асари – фикҳ бўйича нодир манба. // Имом Ал-Бухорий сабоқлари. Маънавий-маърифий, илмий-бадний журнал. – Т., 2-3/2005. – Б. 103.

тўпдамда жамлаш...”, экани баён қилинган.²⁰ Ақида масалаларига бағишланган “китаб ал-муътақадат” 46а варакда ушбу сўзлар билан тугалланган:

تمت الكتاب المعتقدات اللهم احفظنا من الخطيات والسيئات وثبت أقدامنا على الشريعة افضل
المخلوقات برحمتك يا ارحم الرحمن

“Эътиқодий масалалар китоби тугалланди. Эй бор Худоё! Бизларни хато ва шумликлардан асра, қадамларимизни яратган бандаларинг афзали шариатида тойилмас қил, раҳматингдан умидвормиз, эй марҳаматлиларнинг марҳаматлиси” (Махзанул-мутеъин. 4982. 46а,5-6).

Амалий масалаларга бағишланган янги китоб (бўлим) дебочасидан басамала лафзи ва дуои муножот сўзлари ўрин олган. Муаллиф китобни ёзишдан бош мақсад “фикҳий мажмуа”ни яратиш бўлганини назарда тутган. (Махзанул-мутеъин. 4982. 46b,20-21).

Амалий масалалар китобидан ўрин олган вузу-тахорат (10 та фасл), намоз (42 та фасл), закот (4 та фасл), рўза (3 та фасл), никоҳ (9 та фасл), нафақа (11 та фасл), талоқ (15 та фасл) ва итоқ (4 та фасл) китоб-бўлимларда жами 98 та фаслда 200 тадан зиёд фикҳий масалалар кўриб чиқилган. Шуни хулоса қилиш мумкинки, Сўфи Оллоёрнинг “Махзану-л-мутеъин” асарида тартиб билан баён этилган ақида ва фикҳий масалалар ҳанафий мактабининг забардаст вакиллари тарафидан тасниф этилган асл манбаларни далил сифатида келтириш орқали унинг ишончли илмий манба эканига далолат қилади.

424b саҳифада (“Рўза” китоби-бўлими) “Махзану-л-мутеъин” асарининг муаллифи Сўфи Оллоёр экани ва унинг раҳбарлигида асар китобатини “Кифоя” китоби муаллифи ҳазрат Мир Сайид Жамолиддин Гилоний авлодларидан бўлмиш Сулаймон хўжа ибн Мусо хўжа ал-Хусайний амалга оширгани қайд этилган²¹.

Одатда муаллиф ва унинг асарини кўчирувчи котиб ва бу жараёнга алоқадор маълумотлар китобнинг кириш қисми ва охирида берилиши лозим. Кириш қисмида муаллиф ўзини беҳад гуноҳкор санагани туфайли китоб бошида номини ёзишга муносиб кўрмагани айтиб ўтилган. Кўринишидан, ўтмишдаги хатоларидан кўп афсус-надомат чекаётган муаллиф Аллоҳнинг итоаткор бандаларига бағишланган ушбу асарнинг кириш қисмида ўз номини ошкор этишдан ҳаё қилган ва бу ишни кейинги китоб-бўлимларга қолдирган.

²⁰ Абдуфаттохов Ж. Сўфи Оллоёрнинг «Махзан ул-мутеъин» асари ҳақида янги маълумотлар. // Халқаро илмий анжуман материаллари. Техрон – Тошкент. “Ал-Худо халқаро нашриёти – Мовароуннаҳр нашриёти”, 2005.

²¹ Абдупаттахов Ж. Сўфи Оллоёрнинг «Махзан ул-мутеъин» асари – фикҳ бўйича нодир манба. // Имом Ал-Бухорий сабоқлари. Маънавий-маърифий, илмий-бадний журнал. – Т., 2-3/2005. – Б. 102-103.

Китобнинг сўнгги бети 546а варақда

تمت الكتاب تمت من المقابلة بخط المصنف غفر عنه

“Китоб мусаннифнинг (даст)хати билан охирига етди – унинг гуноҳлари мағфират қилинсин, (қоралама нусха ва манбалар билан) солиштируви охирига етди” деган хабар билан кифояланилган.

424b ва 546а варақлардаги қайдлардан “Махзану-л-мутеъин”нинг мазкур нусхаси қорадан оққа кўчирилган муаллифнинг дастхат нусхаси экани аён бўлади. Қолаверса, китоб қамраб олган мавзулар шу билан тугалланмагани, балки анъанага кўра савдо, шерикчилик каби молиявий, ва айтиш пайтда, муҳим ҳаётий масалаларни давом эттириш муаллиф томонидан ният қилгани, назаримизда, айтиш ҳақиқатдир. Бу фикримизни 545а варақда “муртад билан мусулмон ўртасидаги бир молиявий масала” қисқа тарзда ёритилиб, масаланинг батафсил шарҳи учун “шарикат китобига” мурожаат қилиш лозимлиги айtilгани қувватлайди.

Айтиш мумкинки, Сўфи Оллоёр ушбу асарини давом эттириш ниятида бўлган кўринади. Қўлёзмада колофоннинг йўқлиги, эҳтимол, шу илинж билан изоҳланар.

Асарда ақида ва фикҳий масалаларни баён этишида Абу Ҳанифа, Абу Мансур ал-Мотуридий, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Шамсул-аймма ас-Сарахсий қатори 150 тадан ошиқ алломаларга мурожаат қилингани билан асарнинг қиймати белгиланади²².

Сўфи Оллоёрнинг ушбу қўлёзма асарининг илмий таржимасини яқин ойлар ичида жамоатчилик эътиборига ҳавола этишимиз орқали ҳозирги кунда тўпланиб қолган ва ечимини кутаётган айрим масалаларга ойдинлик киритади деган умиддамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Сувонкулов И. “Сўфи Оллоёр ва унинг адабий анъаналари”. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1997. – Б. 269.
2. Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1-қисм. Жамият ва бурч. Рисола. Т., “Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти”, 2001. – Б. 77
3. Сирожиддинов Ш. Сўфи Оллоёр ҳаёти ва фаолиятига қайта назар // Сўфи Аллоҳёр. Халқаро илмий анжуман иатериаллари. Техрон – Тошкент. “Ал-Ҳудо халқаро нашриёти – Мовароуннаҳр нашриёти”, 2005. – Б. 13.
4. Жуманазар А. Вахшувор. – Т., “Akademnashr”, 2015. – Б. 253.

²² Абдуфаттохов Ж. “Сўфи Оллоёр – Ҳанафий фақиҳи”(«Махзан ул-мутеъин» асари мисолида”. Магистрлик диссертация. ТДШИ, 2005.

5. Сўфи Оллоёр. Маслак ул-муттақин. Қўлёзма. 18-аср, 18a-varaq.
6. Мақсуд ибн Мир Носириддин Хусайний Бухорий. Равойиҳ ал-қудс. Қўлёзма. Каттаев К. шахсий кутубхонасида сақланади. Варақ, 108b-varaq.
7. Носируддин Бухорий. Тухфат уз-заирин. Бухоро. 1910.
8. Сайид Муҳаммад бин Охунд Қози Камол. Тухфат ул-аҳбоб. ЎЗР ФА ШИ №4400, 16b-17b-varaq.
9. Бурҳон аз-закирин. Қўлёзма. ҳ.1210 й. кўчирилган. ЎЗР ФА ШИ №5481, 20v-b-varaq.
10. Абдулазиз Мажзуб Намангоний. Тазкираи Мажзуби Намангони (Тазкират ул-авлия), ЎЗРФАШИ №2662, 49b-50b-varaq;
11. Шайх Абул-Қосим ал-Акбар Ободий. “Нузҳат ал-ховатир ва баҳжат ул-масамий ва-н-навазир. Ал-Иълам би-ман фи тарих ал-Ҳинд мин-ал-Аълам”.
12. Kügelgen, Anke von. Die Entfaltung der Naqšbandīya im mittleren Transoxanien vom 18. bis zum Beginn des 19. Jahrhunderts: ein Stück Detektivarbeit. Берлин., Klaus Schwarz Verlag нашриёти. – 1998. – Р. 115.
13. Абдулазиз Амир Кулолий. Тазкираи машоҳихи мутааххирини Бухоро. Қўлёзма. ЎЗФАШИ №79, 72b-varaq.
14. Шайх Абу-л-Қосим ал-Акбар Ободий. “Нузҳат ал-ховатир ва баҳжат ул-масамий ва-н-навазир. Ал-Иълам би-ман фи тарих ал-Ҳинд мин-ал-Аълам”. 5.ж.– Б. 650.
15. Шайх Мурод ибн Абдуллоҳ ал-Қозоний. “Зайл рашаҳот”. Қўлёзма. Туркия, Сулеймания кутубхонаси №1411.
16. “صوفي الله بار منظومه ثبات العاجزين” (Сўфи Аллоёр манзумаи Сабот ул-оҷизин). Саудия Арабистони, 1953. – Б. 46.
17. Туркистоний С. Сўфи Оллоёр // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Тўплам. – Т., 1994.
18. Абдуфаттохов Ж. Сўфи Оллоёрнинг «Махзан ул-мутеъин» асари ҳақида янги маълумотлар, 2005. – Б. 119-122.
19. Абдупаттахов Ж. Сўфи Оллоёрнинг «Махзан ул-мутеъин» асари – фикҳ бўйича нодир манба. // Имом Ал-Бухорий сабоқлари. Маънавий-маърифий, илмий-баддий журнал. – Т., 2-3/2005. – Б. 102-105. (ЎЗР Имом Бухорий республика илмий-маърифий марказининг 2005 йил 10 ноябр куни 02/5 рақами билан берилган Маълумотнома. “Имом ал-Бухорий сабоқлари” журналида нашр этилган “Сўфи Оллоёрнинг «Махзан ул-мутеъин» асари – фикҳ бўйича нодир манба” (2005 йил, № 2-3 сони, 102-105-бетлар) номли мақоланинг муаллифи Абдупаттахов Жаҳонгир деб ўқилсин. Масъул котиб Н.Жабборов);

20. Абдупаттахов Ж. Сўфи Оллоёр – ҳанафий фақиҳи («Махзан ул-мутеъин» асари мисолида). Магистрлик диссертацияси. – Тошкент, 2005. – Б. 80;
21. Зоҳидов Р. “Саботул ожизин” асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари. Филология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. – Тошкент, 2018. – Б. 38-43.
22. Краткий каталог суфийских произведений XVIII-XIX вв. из собрания Института Востоковедения Академии Наук Республики Узбекистан им. ал-Бируни”. Каталог. – Берлин, 2000.
23. Шамсетдинова, Л.Ш. «Рисалии Газиза» Таджетдина Ялчыгула: проблематика и поэтика: Автореф. дис.канд. филл. наук / Л.Ш. Шамсетдинова. - Казань, 2002. – С. 24.
24. Маханова Р. Творчество Суфи Аллаяра и его традиции в татарской литературе: дисс.канд.фил.наук. – Казань, 2008. – С. 190.
25. Илясова Г. Лигвотекстологические особенности произведений “Сабат ал-гаджизин” Аллаяра Суфи и “Рисала-и Газиза” Т. Ялсыгулова: дисс.канд.фил.наук. – Уфа, 2009. – С. 210.
26. Abid Nazar Mahdum, Sûfî Allahyâr and his Sebâtü'l-âcizîn, (Unpublished Master Thesis), Istanbul University Faculty of Letters, Department of Old Turkish Literature in Turkish Language and Literature Section, Istanbul 1993, - S. 239-253.
27. Berdi Sarica. Allahyar Sufî'nin Fevzü'n-Necat'i (İnceleme metin sözlük), 1996;
28. Necdet Tosun. SÛFÎ ALLAHYÂR صوفى الله يار (ö. 1133/1721) Orta Asyalı Nakşibendî-Müceddidî şeyhi. Türkistan Dervişlerinden Yâdigâr: Orta Asya Türkçesiyle Yazılmış Tasavvufî Eserler, İstanbul 2011. - S. 67-71.
29. Абдуллаев А. Ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. – Т., “Ўқитувчи”, 1980. – Б. 115;
30. Ислом. Справочник. – Т., “Ўзбек Совет Энциклопедияси бош редакцияси”, 1989. – Б. 249;
31. Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14 жилд. 10-ж. – Т., Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг Тошкент “Матбуот” полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош корхонаси, 1978. – Б. 478.;
32. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Т., “Ўқитувчи”, 1967. – Б. 115.
33. Самарқанд тарихи. 2 жилд. 1-ж. – Т., “Фан”, 1971.
34. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилд. 3-ж. – Т., “Фан”, 1978. – Б. 191.
35. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т., “Ўқитувчи”, 1994. – Б. 260.

36. Мурод Т. Ойдинда юрган одамлар. Қисса // “От кишнаган окшом”. – Т., 1994. – Б. 258-263.
37. Осим М. Синган сетор. Қисса // “Карвон йўлларида”. Сайланма. – Т., 1994. – Б. 473-477.
38. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Т., “Ўқитувчи”, 1967. – Б. 109.
39. Абдуллаев А. Ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. – Т., “Ўқитувчи”, 1980. – Б. 109.
40. Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Самарқанд, 1925. – Б. 171.
41. Айний С. Намунаи адабиёти тожик. – Москва, “Центральное издательство народов Советского Союза”, 1926.
42. Айни С. Намунаи адабиёти тожик. – Душанбе, “Адиб”, 2010.
43. Қаюмов П. Тазкираи Қаюмий. 3 жилд. 1-ж. – Т., 1968. – Б. 61-62.

Сайтлар:

1. <https://shamela.ws/book/1584/584>
2. <https://tarajm.com/people/91396>
<https://shamela.ws/book/1584/584#p17>